

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА ШАХНОЗА ХУДОЙБЕРДИЕВНА**

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ  
ВОСИТАСИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

|  |    |
|--|----|
| <b>Қодирова Шахноза Худойбердиевна</b><br>Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида<br>миллий ғурур ҳиссини шакллантириш.....         | 3  |
| <b>Қодирова Шахноза Худойбердиевна</b><br>Формирование чувства национальной гордости у детей<br>дошкольного возраста через устное народное творчество..... | 21 |
| <b>Kodirova Shakhnoza Khudoyberdievna</b><br>Forming the feeling of national pride in preschool children through<br>folkoral creativity.....               | 39 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published works.....   | 43 |

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА ШАХНОЗА ХУДОЙБЕРДИЕВНА**

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ  
ВОСИТАСИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**



## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ёш авлодни миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, миллий маданиятни ривожлантириш баркамол шахс камолотини таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу мақсадни кўзлаган ҳолатда инновацион таълим-тарбия жараёнига шахсни маънавий-маърифий, маданий шакллантиришга асос бўлувчи ўқув материаллари ва таълим технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги кунда тараққиётнинг глобал тенденцияси ҳисобланади. Айни вақтда Япония, Жанубий Корея ва Германия каби ривожланган мамлакатларда шахсни маънавий-ахлоқий ривожлантиришнинг назарий-амалий асосларини уйғунлаштирган, тафаккур маҳсули халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур туйғуларига эга инсонни камол топтириш қонуниятларини тадқиқ этиш инсоният маданиятининг юксалиш омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мактабгача таълим ва тарбия жараёнида халқ оғзаки ижоди воситасида болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш такомиллаштириш методикаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача ёшдаги болаларнинг миллий ғурурини ва ўзбекона маданий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараённи ташкил этишда тарбияланувчиларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олиб халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш имкониятлар илмий жиҳатдан асослашга, халқ оғзаки ижоди воситасида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида аниқ мақсадга йўналтирилган шахсий компетенцияларни шакллантиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Шарқ халқлари педагогик тафаккури маҳсули бўлган миллий ғурур тарбиясининг дидактик воситаларини аниқлаш, тизимлаштириш, мактабгача таълим жараёнида амалиётида тарбияланувчиларда миллий ғурурни шакллантиришда тарбиячи ва ота-она ҳамкорлиги таъминлаш болани маънавий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

Мамлакатимизда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида ёшларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, уларни баркамол инсон сифатида шакллантириш, миллий ғурур ҳиссини таркиб топтиришда фойдаланиш, қадриятли ёндашувлар асосида жамиятни ривожлантиришнинг меъёрий-услубий таъминотини кенгайтиришга замин яратади. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан бақувват, маънавий ва ақлий ривожланган, эркин фикр юритадиган, қатъий ҳаётий нуқтаиназарга эга, юртга содоқатли ёшларни тарбия қилиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланиб, бу борада турли халқлар педагогик тафаккури маҳсули бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари – эртақлар, ҳикоялар,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси президентининг фармони, 2017 — 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. – Тошкент, - 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

ривоятлар, афсоналар, топишмоқлар, тез айтишлар мақоллар, маталлар, ўйинлар, лапарлар, кўшиқлар, латифалар, нақллар, турли байрамлар, маросимларнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилган ҳолда, тарбияланувчиларда миллий ғурур, миллий ифтихор ҳиссини шакллантиришнинг мазмуни, шакллари ва методларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги –Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги ЎРҚ-595-сон Қонуни, 2020 йил 23 сентябрдаги –Таълим тўғрисидаги ЎРҚ-637-сон Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги –Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон”, 2020 йил 29 октябрдаги –“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-6097- сон фармонлари”, 2017 йил 9 сентябрдаги – “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-3261- сон”, 2017 йил 28 июлдаги – “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисидаги ПҚ-3160- сон”, 2019 йил 3 майдаги –“Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4307-сон Қарори”, 2018 йил 28 ноябрдаги –“Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги ПҚ–4038- сон”, 2019 йил 8 майдаги –“Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПҚ-4312-сон” қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фанва технологиялар ривожланишининг I.—Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мақтабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини ҳар томонлама ривожлантиришга оид тадқиқотлар сўнгги йилларда республикамиз олимларидан Ф.Қодирова, М.Абдуллаева, Н.Абдуллаева, Д.Абдурахимова, З.Азизова, Г.Бердалиева, М.Бердиева, Д.Бобоева, Б.Джураева ва Ҳ.Тожибоева, Г.Назирова, Н.Режаметова, Г.А.Мардонова, И.Туйчиева, А.Хўжақулов; ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик масалалари О.Мусурмонова, О.Жамолиддинова, М.Иномова, Н.Ортиқов, Д.Рўзиева, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, М.Қуроновлар томонидан тадқиқ этилган.

Замонавий илмий тадқиқот ишларида шахсни тарбиялашда халқ педагогикаси ғояларини тадқиқ этишга йўналтирилган тадқиқотлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан М.Н.Братухина, С.П.Акутина, Д.Б.Богоявленская, В.Г.Горецкий, А.И.Лазарев В.А.Неволина, В.В.Николина, А.В.Рожков, Е.А.Слушкина, Л.А.Труфанова ва бошқа бир қатор мутахассислар томонидан кенг кўламда ўрганилган.

Халқ анъаналари воситасида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида миллий психологияни таркиб топтириш масалалари S.Holland, Henning Gibbons, G.V.Leonidova, R.B.McCall ва C.J.Groark, M.Montessori, J.E.Schmid ва S.Pollack, K.White каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Мактабгача таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштириш технологиялари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача таълимда тарбияланувчилардан халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида миллий ғурурни шакллантириш жараёнини ўрганиш, таҳлил қилиш, ташкилий-педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш;

мактабгача таълим ташкилотларида катта гуруҳдаги болаларда миллий ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғусини шакллантиришда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш имкониятлари, ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлари ва ўқув-методик таъминотини аниқлаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда педагог ва оила ҳамкорлигини ташкил қилиш методикасини мазмунан такомиллаштириш;

халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта гуруҳ болаларида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнини тамойиллари принциплари ва педагогик шарт-шароитларини асослаш, бунда тарбиячининг маданиятини мазмуни ёритиш, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён ҳисобланади. Тажриба-синов ишларига Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари мактабгача таълим ташкилотларининг (9та) 326 нафар тарбияланувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** мактабгача таълимда катта гуруҳ болаларида халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараён мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид назарий манбалар, илмий адабиётлар, мактабгача таълимга оид ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, анкета сўров, тарбияланувчиларнинг таълим ва тарбия жараёнидаги фаолиятини қиёсий таҳлили, педагогик ташхислаш, синтез, эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик ишлов бериш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ва тарбия жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналари (ўйинлар, эртақлар, ҳикоялар, ривоятлар, топишмоқлар, тез айтишлар мақоллар, маталлар, лапарлар, қўшиқлар, афсоналар, латифалар, нақллар, турли байрамлар ва миллий маросимлар) воситасида болаларда миллий ғурур ҳиссини таркиб топтиришнинг оддийлик, тушунарлилик, фаоллилик ва тасаввурни кенгайтириш каби имкониятлари аниқлаштирилган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида катта гуруҳ болаларида миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган яхлит педагогик жараёнда намуна кўрсатиш, баҳс-мунозара, савол-жавоб, ўзаро мулоқот ва диалог каби интерфаол таълим методларини ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда рефлексив фаолият, баҳолаш, интериоризация, фазилатларни фаолиятда намоён этиш кўникмаларини шакллантиришнинг шахсга йўналтирилган методикаси ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг мамлакат миллий ва ҳудудий хусусиятларини инобатга олиш миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда интеграцион таъсир кўрсатиш орқали такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари катта ёшдаги тарбияланувчиларида машғулотлар ва машғулотлардан ташқари жараёнларда маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган ўқув-дидактик таъминоти педагог-тарбиячи ва ота-оналар ҳамкорлигини амалга оширишнинг ижобий таъсирини асослаш натижасида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини самарали шакллантиришни таъминлайдиган педагогик шарт-шароитлар аниқланган ва таълим-тарбия жараёни модели ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагоглари мўлжалланган “Мақтабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикаси” номли қўлланма ҳамда машғулот ишланмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

тарбиячи ва ота-оналар учун катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган “Халқ оғзаки ижоди намуналари” мобил иловаси ишлаб чиқилган ва амалда жорий этилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳисси шаклланганлигини баҳоловчи мезонлар ва даража кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари орқали асосланганлиги, методик материалларнинг, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача таълимда катта гуруҳдаги

болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантиришга йўналтирилган модели, ушбу моделнинг педагогик-психологик имкониятлари, уни амалиётда қўллашнинг қулай педагогик шарт-шароитлари, ҳамда ишлаб чиқилган ўқув материаллари ва таклифлардан самарали фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методик материаллар, тавсиялар, машғулот ҳамда мобил илова ишланмалар мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини оширишга, педагогика олий таълим муассасаларида мактабгача таълим педагогикаси, тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси курслари мазмунини бойитишда, мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг малакасини ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, мактабгача таълим мутахассислари иш тажрибасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача катта ёшдаги болаларда эртақлар, хикоялар, ривоятлар, афсоналар, топишмоқлар, тез айтишлар, мақоллар, маталлар, ўйинлар, лапарлар, кўшиқлар, латифалар, нақллар, турли байрамлар, маросимлар воситасида миллий ғурур хиссини самарали шакллантиришни таъминлайдиган педагогик шарт-шароитлар, мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур хиссини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини ҳисобга олишга доир таклифларидан “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган-Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган” (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 02-02/2-717-сонли маълумотномаси). Натижада халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача таълим жараёни мазмунини бойитиш асосида болаларда миллий ғурур хиссини таркиб топтиришнинг педагогик-психологик имкониятлари (ихчамлик, тушунарлик, интерфаоллик ва дунёқарашни кенгайтириш)” аниқланган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур хиссини шакллантиришда миллий педагогика элементларини қўллаш, халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини самарали шакллантиришни таъминлайдиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва баҳолаш мезонларини аниқлаштиришга оид муаллифлик ғояларидан амалий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 02-02/2-717-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ оғзаки ижодининг худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнида индивидуаллаштирилган ва интегратив таълимни қўллаш орқали мактабгача катта ёшдаги болаларда – мен концепцияси ҳамда рефлексив фаолият кўникмаларини шакллантириш асосида миллий ғурур хисси таркиб

топганлигини баҳолаш мезон кўрсаткичлари (9та) ва даражалари (юқори, ўрта, паст) аниқланган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини таркиб топтиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида тарбиячи-педагоглар, ота-оналарга мўлжалланган –Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикаси номли методик қўлланма ишлаб чиқилган ва Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари мактабгача таълим ташкилотлари амалиётига тадбиқ этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 02-02/2-717-сонли маълумотномаси). (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 02-02/2-717-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача катта ёшдаги болаларда ақлий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадиий, диний тарбиянинг таркибий қисми бўлган миллий ғурур элементларини шакллантиришда мактабгача таълим ташкилотлари ва оила ҳамкорлигининг ўзига хос имкониятлари белгиланган ҳамда уларнинг онгига ўзаро бирлик ва алоқадорликда таъсир этиш омиллари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола чоп этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; илмий янгилиги, назарий ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёнининг назарий-методологик асослари”** деб номланган бўлиб, унда мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида таҳлил қилинган; мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини

шакллантиришда халқ оғзаки ижодининг ўзига хос методик имкониятлари очиб берилган; болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантиришда оиланинг ўрни асосланган.

Мактабгача таълим ташкилотлари халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси, ҳамда умумбашарий қадриятлар асосида шахс тарбиясининг инсонпарварлик йўналишини жорий қилишни тақозо қилади. Ҳозирги давр, яъни “миллий ўзлик”ни англашнинг ўсиб бориши ёш авлодда айниқса, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида шаклланиб бораётган миллий ғурур туйғусини янада ўстириш, ривож топтиришни талаб этмоқда.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”<sup>2</sup>да ғурур – инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб, фахрланиш ҳисси, фахр ифтихор тарзида шарҳ берилган.

Миллий ғурур туйғуси шахсда ўз миллатининг моддий-маънавий меъросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; обрў-эътибори билан фахрланиш, миллатнинг ютуқлар, уларнинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз юрти ва эли, миллатига жонкуярлиги; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини кўрсатиш каби шаклларда намоён бўлади.

Бугунги кунда, мактабгача таълим ташкилотларида болаларда миллий ғурур хиссини шакллантириш бўйича таълим-тарбия жараёнида турли методикалар ва воситаларда фойдаланиб келинмоқда. Болаларда катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача) даври 5 ёшдан 6 ёшгача чегараларига эга. Мазкур ёш даврида болада тасодикийлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг ички шарти, рефлексия каби психологик янги ҳодисалар кузатилади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда бу даврда кўргазмали-образли фикрлашдан оғзаки-мантиқий, тушунчавий фикрлашга ўтиш содир бўлади. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг педагогик хусусиятларига, бу даврда болалар жуда эмоционалликларини киритиш мумкин ва педагогларнинг асосий вазифалари болаларни келгуси ўқув фаолиятига уларнинг оламини идрок этишлари орқали мотивацияларини мақсадга мувофиқ ошириш ҳисобланади.

Айнан катта мактабгача ёш даврида бола ўзини ўзига хос хусусиятлари билан, ижобий шахс сифатида қабул қилади, мустақил ва ўз хатти-ҳаракатига жавоб беради. Мазкур даврда ўзига юклатилган мажбуриятларни қабул қилади ва бажаради; ўзининг қайси миллатга мансублигини билади; ўзининг ҳошиш-истаклари ва қизиқишларини аниқ белгилайди; ўз ҳиссиётларини намоён қилади; ўз-ўзини баҳолашга қодир бўлади; мустақил ўзига фаолият турини танлайди; ғоялар таклиф этади, ташаббускор; хайрихоҳ ва очиққўнгил бўлади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантириш стратегияларини аниқлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш воситалари, усул ва методларини белгилаб бериш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Бу борада қуйидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал

---

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. Шукрона-Ғ (Тўплам 1-5-жилдлар). // Ўзбекистон НМИУ: -Тошкент, - 2020 й, - 608 б.

этиш зарурияти мавжуд: мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг илмий педагогик асосларини белгилаб бериш; халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик воситалар, методикаларни аниқлаш; мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтириш кабилар.

Халқ оғзаки ижоди – халқ педагогикасининг амалий ва ёрқин воситаларидан бири бўлиб, ўзида улкан дидактик имкониятларни акс эттиради. Халқ оғзаки ижоди наъмуналари (1-расм) билан танишиш болаларнинг ҳис-туйғулари ва нутқини бойитади, атроф-оламга муносабатни шакллантиради, ҳар томонлама ривожлантиришда аҳамиятли муносабат касб этади.



**1-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш имконини берувчи халқ оғзаки ижоди намуналари**

Мақол ва маталлар адабий тилни бойитиш, унинг ифодалилиги, аниқлигини ривожлантириш учун улкан аҳамиятга эга. Кўпгина мақолларнинг мазмуни нафақат грамматик қоидаларни ўрганиш учун хизмат қилади, балки ахлоқий сифатларни тарбиялаш манбаи бўлиб ҳисобланади: табиатга, Ватанга, меҳнатга муҳаббат, фаол, меҳрибон ва ҳозиржавоб бўлишга ўргатади. Масалан, “Элда бори – сенда бори”, “Ҳар кимнинг ўз фикри бор”, “Ҳар куш ўз уясида эркин”, “Ватанинг тинч – сен тинч”, “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, “Олтин олма, дуо ол”, “Элга ҳурмат, олий химмат” каби мақоллар мактабгача катта ёшдаги болаларда, ватанпарварлик, ўз ватани билан фахрланишга ундайди.

Биз томондан халқ оғзаки ижоди намуналари орқали миллий ғурурни шакллантириш имкониятлари аниқланди (2-расм).



**2-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантириш имкониятлари**


Ушбу бобда мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур хиссини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди орқали эстетик, ахлоқий, билишга оид функцияларни бажаришини аниқладик.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантириш методикаси**” деб номланиб, ушбу бобда халқ кўшиқлари ва ўйинлар болаларда миллий ғурур хиссини шакллантириш воситаси сифатида асосланган. Халқ оғзаки ижоди воситаси орқали мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур хиссини шакллантириш тамойиллари ва педагогик шарт-шароитлари аниқланган бўлиб, тарбиячининг педагогик маданияти таҳлил қилинган.

Миллий ғурур хиссини шакллантиришнинг яна бир манбаи халқ кўшиқларидир. Халқ кўшиқлари таълим-тарбия воситаси сифатида шарқ халқлари педагогик тафаккурида муҳим ўрин тутди. Халқ кўшиқларида инсоннинг руҳий кечинмалари, ўйлари, орзу-умидлари акс этган бўлади. Ўзликни англашнинг ушбу воситаси ёшларни руҳий тетикликка, осойишталикка, ҳаётни севишга, фидойилик кўрсатишга, севиш ва садоқатли бўлишга ўргатади.


Музыка машғулотлари катта залларда, ўйин майдончаларида ташкил этилганда кўшиқлар асосида ҳаракатли дидактик ўйинларни ўтказиш мумкин. Бундай ўйинлар болаларда катта қизиқиш уйғотиб, уларда руҳий кўтаринкиликни ҳосил қилади. “Оқ теракми кўк терак”, “Зув-зув борағай” болалар кўшиқларини ижро этиб “Мени тутиб ол”, “Ким эпчил-у ким чаққон”, “Чори чамбар” кўшиғига мослаб “Ким топади” ёки “Санашни биласанми” каби, “Читти гул”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Лайлак келди” кўшиқларини ўрганиш жараёнида эса бадий-образли, ҳаракатли дидактик ўйинларни саҳналаштириш болаларнинг ўзбек халқ кўшиқларини қизиқиш билан осон ўзлаштиришларини таъминлайди.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан танлашда тушунарлилик, кўргазмалилик, алоқадорлик, қизиқишларга асосланганлик, каби тамойилларга асосланилди. Диссертацияда мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурурни шакллантириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари, оила ва тарбиячи ҳамкорлиги очиб берилди (3-расм).



**3-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш тизими**

Халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён муайян шарт-шароитларни тақозо қилади. Тадқиқот натижалари асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (4-расм).



**4-расм. Халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели**

Ушбу модел мақсадли, педагогик жараёни, натижавий-баҳолаш блоклардан иборат бўлиб, тадқиқот ишида ҳар бир блокнинг мазмуни ва моҳияти ёритилиб, илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Педагог-тарбиячи “Ватан”, “Бизнинг шаҳар”, “Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент“, ”Қишлоғимизнинг энг яхши кишилари“, “Шаҳримизнинг энг яхши кишилари“ ва шунга ўхшаш мавзулар бўйича китоб ва расмлар танлайди, турли альбомлар, папкалар тайёрлаб, болалар билан олиб борадиган таълим-тарбиявий машғулотларда фойдаланиш лозим. Ҳар бир даврда юз берган воқеа-ҳодисалар тўғрисида тарбиячининг болаларга моҳирона ҳикоя қилиб бериши ватанпарварликни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Педагог ва ота-оналар учун мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган “Халқ оғзаки ижоди намуналар тўплами” мобил иловаси ишлаб чиқилди. (5 расм).



5-расм. “Халқ оғзаки ижоди намуналар тўплами” мобил иловаси.

Кузатишлар натижасида мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур хиссини шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия мазмуни, самарали шакл ва методларини саралаш; турли ижтимоий (таълим-тарбия жараёни) ва ҳудудий омиллар (бола яшаётган ўлка,

миллий кадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари, бойлиги, тарихий ўрни ва аҳамияти)ни назарда тутиш аниқлашга ёрдам берди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги**” деб номланган бўлиб, унда мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёнлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили келтирилган.

Халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссининг таркиб топганлиги хиссий-ахлоқий тарбия тўғрисида гувоҳлик беради. Намоён бўлишнинг бирор-бир миқдорий кўрсаткичларининг белгиланишида жуда эҳтиёткор бўлиши ва айнан тадқиқот ўтказиш ҳудуди учун қўлланилиши керак. Чунки халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини намоён бўлишида ижтимоий-маданий омилларнинг, айниқса оиладаги тарбиянинг таъсири турли ҳудудларда турличадир.

Биз томондан Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари мактабгача таълим ташкилотларида олиб борилган тажриба-синовда жами 326 нафар тарбияланувчилар қатнашди. Шундан 165 нафар тарбияланувчи тажриба гуруҳида ва 161 нафар тарбияланувчи назорат гуруҳида иштирок этди.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида тажриба ва назорат гуруҳларидаги тарбияланувчилар ўртача ўзлаштиришларини Стъудентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди.


Тажрибадан олдинги тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижалар 1-жадвалда акс эттирилган.

#### 1-жадвал


**Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ва кейинги ўзлаштириш натижалари**

| Муддати         | Гуруҳлар       | Тарбияланувчилар сони | Ўзлаштириш даражалари |      |      |
|-----------------|----------------|-----------------------|-----------------------|------|------|
|                 |                |                       | Юқори                 | Ўрта | Паст |
| Тажриба бошида  | Тажриба гуруҳи | 165                   | 53                    | 58   | 54   |
|                 | Нazorат гуруҳи | 161                   | 50                    | 53   | 58   |
| Тажриба якунида | Тажриба гуруҳи | 165                   | 81                    | 59   | 25   |
|                 | Нazorат гуруҳи | 161                   | 50                    | 56   | 55   |

Юқоридаги жадвалга асосан табиаланувчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини диаграмма (6-7 расмлар) кўринишида берилган.



6-расм. Тажриба бошида.



7-расм. Тажриба якунида.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди.

| $\bar{X}$ | $\bar{Y}$ | $s_x^2$  | $s_y^2$ | $C_x$ | $C_y$ | $T_{x,y}$ | $K$ | $\Delta_m$ | $\Delta_k$ |
|-----------|-----------|--|---------|-------|-------|-----------|-----|------------|------------|
| 1,99      | 1,95      | Тажрибадан олдин ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган |         |       |       |           |     |            |            |
| 2,34      | 1,97      | 0,5244   | 0,6491  | 2     | 3     | 4,35      | 324 | 0,11       | 0,13       |

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги 12,3 % эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини таркиб топтириш жараёнининг мазмун ва моҳияти, мазкур мазмунни танлаш тамойиллари, босқичлари, педагогик қўллаб-қувватлаш орқали болаларни интеллектуал, ахлоқий-ҳиссий ривожлантириш воситалари, усуллари, ҳамда методларини танлаш, шунингдек назарий жиҳатдан асослаган ҳолда

самарадорлигини аниқлашдан иборат эди. Тадқиқот фаразининг тўғрилиги тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили асосида ўз исботини топди.

## ХУЛОСА

Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга оид назарий манбаларнинг таҳлили натижасида, халқ оғзаки ижоди намуналарининг асосий тавсифини аниқлаш имкониятига эга бўлинди: эртак, достон, афсона, ривоят, қўшиқ, лапар, масал, мақол, топишмоқ, латифа, нақллар ва ҳ.к.. Халқ оғзаки ижоди материалларида ижтимоий ҳодисалар, курашлар ватанни душмандан мудофаа қилиш, халқнинг орзу-умидлари, урф-одатлари, расм-русмлари, маросимлари ва бошқа турмуш ҳодисалари ифодаланишини назарда тутиб, мактабгача таълим ташкилотлари ва оилада халқ оғзаки ижодини ўрганиш бўйича барча машғулотлар болаларнинг ўз миллати билан фахрланиш, ватанини севиш, шу юрт фарзанди эканлигидан ғурурланиш ҳисларини ҳосил қилиши кераклигига алоҳида эътибор қаратилди.

2. Миллий ғурур ҳисси мактабгача таълим ташкилотларида ва оилада ташкил этиладиган педагогик жараён мазмуни устида ишлаш ва тарбиявий жараён субъектларининг ўзлигини намоён қилишларида катта имкониятларга эга бўлиб, мактабгача катта ёш даврида ўйин жараёнида бурч, катталар олдида (ота-она, педагог-тарбиячи) масъулият ҳисси каби ижтимоий мотивлар катта аҳамият касб этади. Бунга уларнинг бўйсунувчанликлари ва ўта ишонувчанликлари, тақлидга мойилликлари ёрдам беради.

3. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан болалар фольклор қўшиқлари ичида қўшиқ-ўйинлар, санамалар, тез айтишлар, топишмоқлар, тақлид ўйинлар каби кўринишдаги қўшиқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу қўшиқлар болаларнинг зехнини ўткирлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш, сўз бойлигини ошириш, дидини ўстириш, ахлоқий сифатларини барқарорлаштириш, ҳамкорлик ва дўстликка ундаш, мантиқий фикрлашини жадаллаштириш билан бирга уларда миллий ғурур, ифтихор туйғуларини таркиб топтириш имконини бериши аниқланди.

4. Мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналарини танлашда муайян тамойилларга асосланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди: халқ оғзаки ижодининг бола учун тушунарлилиги; мактабгача катта ёшдаги болаларда муҳим компетенцияларни ривожлантиришга қаратилганлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўрсатмалилиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг машғулот мавзуси билан алоқадорлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг болалар реал билиш имкониятларига ҳамда қизиқишларига асосланганлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарининг босқичма-босқич мураккаблашиб бориши; халқ оғзаки ижоди намуналарининг болалар фаоллигини оширишга қаратилганлиги.

5. Мактабгача таълим ташкилотларида муайян миллий муҳитнинг ўзига хос мазмунга эга бўлиши давр тақозоси эканлиги. Бу педагогик мазмун замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар; урф-одат ва анъаналар, халқ донишмандлиги дурдоналари негизини ташкил этган шарқона тарбиянинг

асосий сифатлари; инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, меҳроқибат, ота-онага ҳурмат, саҳоват, иймон-эътиқод ва шу қабилар болаларда миллий ғурурни шакллантиришни асослаб беради.

6. Кузатишларимиз натижасида шу нарса аён бўлдики, халқ оғзаки ижоди воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён муайян шарт-шароитларни тақозо қилади. Бунда амалга ошириладиган педагогик жараёнлар Ватан туйғусини шакллантириш; она тилимизга, юртимизга муҳаббат уйғотиш; миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш; оиланинг миллий ғурур туйғусини шакллантиришдаги ролини кўрсатиш; умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш устувор аҳамият касб этиши таъминланади.

7. Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг мавжуд ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, бу жараёнда оиланинг аҳамиятини эътироф этиш лозим. Сабаби шундаки, оила болаларда шахсий сифатларни таркиб топтириб, ижтимоий-ахлоқий меъёрларни англаш, халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёслаш ва кундалик ижтимоий фаолиятида улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш имконини беради, уларни халқ педагогикаси асосида мунтазам тарзда ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга йўналтиради.

8. Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда ҳамда оилада самарали шакллантириш учун уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб ишонтириш, ундаш, намуна кўрсатиш, суҳбат, баҳс-мунозара, савол-жавоб, ўзаро мулоқот, диалог методларидан кенг фойдаланиш кутилган самарадорликка эришиш имконини берди. Болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили ва тақдим этилган тизим, илмий-методик тавсиялар тадқиқот фарази тўғрилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

1. Мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналари билан мактабгача таълим мазмуни уйғунлигини таъминлаш, умумлаштириш ва тўлдиришда интегратив ёндашувни татбиқ этиш;

2. Мактабгача катта ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда мактабгача таълим ташкилотлари ва ота-оналар ҳамкорлиги йўлга қўйиш бўйича илмий амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш.

3. Мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари ва ота-оналар учун мактабгача таълим жараёнида болаларда халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурур ҳиссини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган мобил иловадан кенг миқёсда фойдаланиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И  
ПОВЫШЕНИЯ ИХ КВАЛИФИКАЦИИ ДИРЕКТОРОВ И  
СПЕЦИАЛИСТОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
ОРГАНИЗАЦИЙ**

---

**ТЕРМИЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КОДИРОВА ШАХНОЗА ХУДОЙБЕРДИЕВНА**

**ФОРМИРОВАНИЕ ЧУВСТВА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ У ДЕТЕЙ  
ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ЧЕРЕЗ УСТНОЕ НАРОДНОЕ  
ТВОРЧЕСТВО**

13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации на соискание ученой степени доктора философии  
(PhD) по педагогическим наукам

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/Ped1878

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.mdomoi.uz](http://www.mdomoi.uz)) и информационном образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Олимов Кахрамон Танзилович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Маматов Нормурод**  
доктор философских наук, профессор

**Назирова Гузал Маликовна**  
доктор философии по педагогическим наукам, (PhD) доцент

**Ведущая организация:**

**Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «5» 11 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 при Институте переподготовки и повышения их квалификации директоров и специалистов дошкольных образовательных организаций. (Адрес: 100070, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуф Хос Хожиб, 64 дом). Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; E-xat: [mtm-malaka.oshirish@exat.uz](mailto:mtm-malaka.oshirish@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института переподготовки и повышения их квалификации директоров и специалистов дошкольных образовательных организаций (зарегистрирована за № 24). (Адрес: 100070, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуф Хос Хожиб, 64 дом). Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27).

Автореферат диссертации разослан «22» 10 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 2 от 22.10. 2022 года).



**Н.Х.Рахманкулова**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

**Ш.С.Шарипова**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.п.н. (PhD), доцент

**Ф.Р.Қодирова**  
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе воспитание молодого поколения в духе национальной гордости, развитие национальной культуры рассматривается как главный фактор, обеспечивающий развитие всесторонне развитой личности. С этой целью эффективное использование учебных материалов и образовательных технологий, являющихся основой духовно-образовательного и культурного формирования личности, является сегодня глобальной тенденцией развития. В то же время в таких развитых странах, как Япония, Южная Корея, Германия, объединены теоретические и практические основы духовно-нравственного развития личности, изучение закономерностей развития человека с чувством национальной гордости средствами народного устного творчества, продукта мысли, признано одним из факторов подъема человеческой культуры.

В процессе дошкольного образования и воспитания важно разработать методы совершенствования формирования и развития у детей чувства национальной гордости через устное народное творчество и их реализацию. При организации педагогического процесса, направленного на развитие национальной гордости и узбекского культурного мышления дошкольников средствами народного творчества, использование образцов народного творчества с учетом возрастных и психофизиологических особенностей обучающихся особое место отводится научным исследованиям по использованию образцов фольклора для научного обоснования возможностей, формирования личностных компетенций, направленных на конкретную цель, на основе личностно-ориентированного подхода средствами народного фольклора. Выявление и систематизация дидактических средств воспитания национальной гордости, являющейся продуктом педагогического мышления народов Востока, обеспечение сотрудничества воспитателей и родителей в формировании национальной гордости у детей в практике дошкольного образования служит важным фактором духовного развития ребенка.

Духовно-нравственное развитие молодежи нашей страны средствами народного творчества, формирование ее как всесторонне развитой личности, использование чувства национальной гордости для создания содержания создает основу для расширения нормативно-методического обеспечения развития общества, основанного на ценностных подходах. Соответственно, в Стратегии действий определены такие задачи, как «воспитание молодежи физически сильной, духовно и умственно развитой, свободомыслящей, с твердой жизненной позиции, преданной стране», в связи с этим с правильной трактовкой смысла устного народного творчества, являющиеся продуктом педагогического мышления разных народов, - сказки, рассказы, повести, легенды, загадки, скороговорки, пословицы, поговорки, игры, лапари, песни, анекдоты, рассказы, различных праздников и обрядов, важно определить содержание, формы и методы формирования у учащихся чувства национальной гордости.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, установленных в Законе Республики Узбекистан от 16

декабря 2019 года №ЗРУ-595 «О дошкольном образовании и воспитании», Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года №ЗРУ-637 «Об образовании», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе от 29 октября 2020 года №УП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», постановлениях от 9 сентября 2017 года №ПП-3261 «О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования», от 28 июля 2017 года №ПП-3260 «О повышении эффективности духовно-просветительской работы и поднятии развития отрасли на новый уровень», от 3 мая 2019 года №ПП-4307 «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», от 28 ноября 2018 года №4038 «Об утверждении концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан», от 8 мая 2019 года №ПП-4312 «Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года», а также других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная научно-исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Пути формирования системы инновационных идей и их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В последние годы учеными нашей республики такими, как Ф.Қодирова, М.Абдуллаева, Н.Абдуллаева, Д.Абдурахимова, З.Азизова, Г.Бердалиева, М.Бердиева, Д.Бобоева, Б.Джураева ва Ҳ.Тожибоева, Г.Назирова, Н.Режаметова, Г.А.Мардонова, И.Туйчиева, А.Хужакулов проводятся исследования по всестороннему развитию детей дошкольных образовательных организаций; педагогико-психологические вопросы духовно-нравственного воспитания исследованы учеными О.Мусурмоновой, О.Жамолитдиновой, М.Иномовой, Н.Ортиковым, Д.Рузиевой, Ш.Шодмоновым, Н.Эгамбердиевой, М.Куброновым и др.

Исследования, направленные на изучение идей народной педагогики в воспитании личности в современных научных исследованиях проводились учеными стран СНГ М.Н.Братухиной, С.П.Акутиной, Д.Б.Богоявленской, В.Г.Горецким, А.И.Лазаревым, В.А.Неволиной, В.В.Николиной, А.В.Рожковым, Е.А.Слушкиной, Л.А.Труфановой и др.

Текст научной работы на тему «Вопросы формирования национальной психологии у детей дошкольной образовательной организации средствами народных традиций» нашло отражение в исследованиях таких зарубежных ученых, как S.Holland, Henning Gibbons, G.V.Leonidova, R.B.McCall ва C.J.Groark, M.Montessori, J.E.Schmid и S.Pollack, K.White.

**Связь темы исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где**

**выполнено исследование.** Диссертационное исследование проводилось в рамках плана научно-исследовательских работ Термезского государственного педагогического института на тему “Технологии совершенствования процесса дошкольного образования и воспитания”.

**Цель исследования** состоит в совершенствовании методики формирования чувства национальной гордости у детей дошкольного возраста средствами фольклора.

**Задачи исследования:**

изучить и проанализировать процесс формирования национальной гордости у дошкольников на примерах народного творчества, уточнить организационно-педагогические условия;

выяснение возможностей использования фольклора, его уникальных педагогико-психологических особенностей и учебно-методического обеспечения в формировании чувства национального патриотизма и национальной гордости в больших группах детей в дошкольных образовательных организациях;

